

Лойиҳа-қидирув ишларини бажариш учун
2022-4-сонли

Ш А Р Т Н О М А

Тошкент шахри

2022 йил 20 Июль

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилувчи номидан вазирнинг ўринбосари М.И. Рузметов бир томондан ва “Ўздаверлойиҳа” институти, кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилувчи номидан Бош директор Р.А.Тўраев, иккинчи томондан ўз Низомлари асосида, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

I. Шартноманинг предмети, баҳоси ва тўлов шартлари.

1.1. Шартнома “Буюртмачи”нинг топшириғига биноан “Бажарувчи” томонидан қуйидаги ишларни бажарилишини белгилайди **Жиззах вилояти Зомин туманидаги табиий яйлов ва пичанзорларидаги ўсимликлар дунёсини ўрганиш мақсадида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш ишларининг тайёргарлик ва дала кузатув ишларини бажариш**

1.2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг умумий қиймати **257 021 555 (икки юз эллик етти миллион йигирма бир минг беш юз эллик беш) сўм** бўлиб, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС): йўқ.

1.3. “Буюртмачи” ушбу шартнома имзолангандан сўнг, шартнома умумий қийматининг 30 фоизини олдиндан, қолган қисмини эса ишни бажариш далолатномаси ва белгиланган тартибда тугатилган ишларни қабул қилиб олиш ҳужжатларини расмийлаштириш мобайнида тўлов ишлари амалга оширилади.

1.4. Шартномада белгиланган ишнинг қиймати амалдаги ва жорий нархларга ўтиш қўлланмаси ҳамда шартномавий нархлар билан белгиланади.

1.5. Ишларни бажариш учун қўйиладиган илмий-техникавий, иқтисодий ва бошқа талаблар, лойиҳалаш топшириғи билан, ишнинг номи ва бажарилиш муддати (босқичлари) эса календарь режа билан аниқланади, шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

II. Тарафларнинг мажбуриятлари.

2.1. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

2.1.1. Буюртмани амалдаги норматив-услубий ҳужжатларга мувофиқ календарь иш режасида назарда тутилган ҳажмда ишларни сифатли қилиб бажариш;

2.1.2. Шартнома талабларига мувофиқ тартибда ва ҳолатда ишларни бажариш ҳамда “Буюртмачи”га топшириш;

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. “Бажарувчи”га техник-топширик беради ва у билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини келишиш;

2.2.2. Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва унинг қийматини “Бажарувчи”га тўлаш.

III. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиблари.

3.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш лойиҳаси техник-топширикномага мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Бажариладиган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган ҳужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник лойиҳалаш топширикномаси билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича қабул қилиб олинади, сўнг ҳақ тўланади.


3.3. “Бажарувчи” ишни тамомлаганидан сўнг “Буюртмачи”га бажарилган иш (босқич)ларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини техник топширикномада кўзда тутилган ҳужжатлар мажмуаси билан биргаликда тақдим қилади.

3.4 “Бажарувчи” “Буюртмачи”га лойиҳа қидирув ишлари бажарилгандан сўнг бажарилганлик иш сметасини тақдим қилади, “Буюртмачи “Бажарувчи”га ушбу сметага асосан ҳақ тўлайди.

3.5. “Буюртмачи” ушбу далолатномани 3.3.- бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларни ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг, 10 кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади ва “Бажарувчи”га имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномасини ёки ишни қабул қилмаслик сабабини асословчи ёзма изоҳни юборади.

3.6. “Буюртмачи” ишни қабул қилишини асосли рад этса, қўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатларини кўрсатилиб, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.7. Ишни бажариш жараёнида уни давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида томонлар бир-бирини 5 (беш) кунлик муддат ичида хабардор қилишга ва мақсадга мувофиқ ишни давом эттириш тўғрисидаги масалани 1 кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбурдирлар.



3.8. Бажарилаётган иш асосли равишда тўхтатилган ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда бажарилган қисм учун “Буюртмачи” томонидан “Бажарувчи”га ҳақ тўланади.

3.9. Ушбу шартнома 2022 йил 20 Июл дан 2022 йил 31 мартгача ҳақиқий ҳисобланади.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги.

4.1. Шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Жиноят кодексига, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги ва амалдаги бошқа қонунларда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

4.2. “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 1.3. – бандидаги аванс тўлови кечикиб ўтказилганда, ишни тамомлаш муддати шунга мутаносиб муддатга узайтирилади.

4.3. Бажарилган ишда асосли камчиликлар аниқланган тақдирда “Бажарувчи” камчиликларни ўз ҳисобидан 1 ой муддатда бартараф этишга мажбур.

V. Низоларни ҳал этиш тартиби.

5.1. Шартнома бўйича келиб чиққан барча низолар ўзаро келишув йўли билан, унинг имкони бўлмаганда Иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари шартноманинг мажбуриятларини бажариш муддатига таъсир қилганда, муддат юзага келган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

VII. Қўшимча шартлар.

7.1. “Бажарувчи” бажариладиган ишларни қийматининг ошиши мумкинлиги тўғрисида “Буюртмачи”ни ўз вақтида (ёзма) хабардор қилишга ва “Буюртмачи”нинг ёзма розилигини олмагунга қадар ишни тўхтатиб туришга ҳақлидир. Агар “Буюртмачи” “Бажарувчи” тақдим этган нарҳда ишни давом эттиришни “мақсадга мувофиқ эмас” - деб топса, у ҳолда у “Бажарувчи”нинг кўрган зарарларини тўлайди.

7.2. Шартнома шартларига тарафларнинг розилиги билан келишув битими орқали ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.3. Бир тараф ўз мажбуриятини иккинчи тарафнинг ёзма розилигисиз учинчи тарафга беришга ҳақли эмас.

7.4. “Бажарувчи” “Буюртмачи” билан олдиндан келишган ҳолда ишни бажариш учун ўзи танлаган шахсни жалб этиш ҳуқуқига эга.

VIII. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари.

“Бажарувчи”: “Ўздаверлойиха” институти

Манзили: 100097. Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, “Ц” мавзеси.

Ҳисоб рақами: 20210000900112393001, ЧЗАКБ “DAVR-BANK”, Чилонзор филиали

МФО 01046, СТИР 200795153, ОКЭД 71110.

“Буюртмачи”: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,

Манзили: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй Тел.260-47-94.

л/с: 1000 1086 0272 4870 4992 0082 001, СТИР 305 636 074, ОКЭД 84111,

Марказий банк Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб маркази

ҳисоб рақами: 2340 2000 3001 0000 1010, МФО 00014, СТИР 201122919.

Мазкур шартномага: техник топшириқ, ишни бажариш календар режаси, лойиха-қидирув ишлар сметаси ва шартномавий баҳони келишганлиги ҳақидаги баённома илова қилинади.

БАЖАРУВЧИ:

Р.А.Тўраев

Б У Ю Р Т М А Ч И:

М.И. Рузметов

М.ў.



ЮРИСТ ХУЛОСА

Тошкент шаҳар

2022 йил 20 Январ

“Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан “Бажарувчи” “Ўздаверлойиха” институти ўртасида тузилаётган 2022 йил 20 Январ даги Жиззах вилояти Зомин туманидаги табиий яйлов ва пичанзорларидаги ўсимликлар дунёсини ўрганиш мақсадида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш ишларининг тайёргарлик ва дала кузатув ишларини бажариш номли 2022-4-сонли шартномаси лойиҳаси юзасидан “Ўздаверлойиха” институти Бош юрисконсулт лавозимида ишлаб келаётган А.Маманазаров қуйидаги ҳуқуқий хулосани бераман.

Ушбу “Ўздаверлойиха” институти томонидан ҳуқуқий экспертиза учун тақдим қилинаётган ушбу шартнома лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1995 йилдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1154 фармони талаблари доирасида ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, мазкур шартнома лойиҳаси юқоридаги қонунчилик ҳужжатларига мос келишини аниқладим.

Юқоридагиларга кўра ушбу шартнома лойиҳасини имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Бош юрисконсулт



А.Маманазаров

Тасдиқлайман:
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирининг
ўринбосари

М.И.Рузметов

2022 йил 20 Январс

“Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари М.И.Рузметов ҳамда “Бажарувчи” “Ўздаверлойиха” институти Бош директори Р.А.Тўраевлар ўртасида тузилаётган 2022 йил 20 Январс даги 2022-4-сонли Жиззах вилояти Зомин туманидаги табиий яйлов ва пичанзорларидаги ўсимликлар дунёсини ўрганиш мақсадида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш ишларининг тайёргарлик ва дала кузатув ишларини бажариш номли шартнома лойиҳасига

ЭКСПЕРТ ХУЛОСА

Биз, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида экспертиза қилиб, қуйидаги мулоҳазаларимизни билдирамыз:

1. Ушбу шартнома 2005 йил 1 октябрда Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган “Ер тузиш, геодезия, картография ва кадастр ишлари учун лойиҳа-қидирув ишларининг қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш тартиби тўғрисида Низом” талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан 2006 йил 2 январда тасдиқланган “Ер тузиш, давлат ер кадастри ва ер мониторинги лойиҳа-қидирув ишлари учун вақт меъёрлари тўплами” асосида тузилган.

2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг умумий қиймати 257 021 555 (икки юз эллик етти миллион йигирма бир минг беш юз эллик беш) сўмни ташкил этиб, бажариладиган ишлар сарф-харажатлар сметаси юқоридаги меъерий ҳужжатлар асосида ҳисобланган.

3. Юқорида кўрсатилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда ушбу шартномани имзолаш ва тўловларни амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаймыз.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
эксперт гуруҳи аъзолари:

1. А.Жураев
2. А.Ахмадалиев
3. У.Ниязметов

2022 йил 20 Январс

2022 йил 20 январ даги
2022-4-сонли шартномага 1илова

**Келишилган шартномавий нархлар тўғрисидаги
Баённома**

2022 йил 20 январ

Бизлар, қуйидаги имзо қилувчилар **“Буюртмачи”** номидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари М.И. Рўзметов ва **“Бажарувчи”** номидан **“Ўздаверлойиҳа”** институти Бош директори Р.А.Тўраевлар томонидан 2022 йил 20 январ даги 2022-4-сонли шартноманинг келишилган нархи **257 021 555 (икки юз эллик етти миллион йигирма бир минг беш юз эллик беш сўм)** сўмни ташкил қилишини ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС): йўқлигини ҳақиқатдан тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома **“Буюртмачи”** ва **“Бажарувчи”** томонидан **“ҳисоб - китоб қилиш учун асос”** - деб ҳисобланади.

“Бажарувчи”

Р.А.Тўраев



“Буюртмачи”

М.И. Рўзметов

М.Ў.



2022 йил 20 феврал даги
2022-4-сонли шартномага 2 илова

Келишилди:

“Ўздаверлойиха” институти
Бош директори

Р.А.Тўраев

Тасдиқлайман:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирининг
ўринбосари

М.И.Рузметов

2022 йил 20 феврал



**Жиззах вилояти Зомин туманидаги табиий яйлов ва пичанзорларидаги
ўсимликлар дунёсини ўрганиш мақсадида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш
ишларининг тайёргарлик ва дала кузатув ишларини бажариш
ТЕХНИК-ТОПШИРИҚ**

1. Иш бажариш учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ 5006-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сонли қарорлари.

2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

3. Ишни бажарувчи ташкилот “Ўздаверлойиха” институти.

4. Ишнинг мақсади: Жиззах вилояти Зомин туманидаги табиий яйлов ва пичанзорларидаги ўсимликлар дунёсини ўрганиш мақсадида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш ишларининг тайёргарлик ва дала кузатув ишларини олиб бориш.

5. Ишга бўлган асосий талаб: Бажариладиган ишлар “Яйлов ва пичанзорлар геоботаник тадқиқот ишларини ўтказиш тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади. (Вазирлар Маҳкамасининг 23.04.2018 йилдаги 299-сон қарорининг 3 иловаси билан тасдиқланган).

6. Муддати: Тасдиқланган календарь-режа асосида.

7. Иш натижаларини тақдим қилиш шакли: Биринчи босқичда бажарилган ишлар якунланиб, 2-босқич ишлари билан жамлангандан сўнг, 2 нусхада тайёрланиб, бир нусха хужжатлар тўплами Жиззах вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасига, ишнинг асл нусхаси “Ўздаверлойиха” институти архивига топширилади. Туман бўйича жамланган ҳисобот ва харитадан бир нусха фойдаланиш учун туман маҳаллий ҳокимият органларига, “Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри” юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасига маълумотларни тақдим этиш учун электрон шаклда DVD ёки CD дискда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига топширилади.

Келишилди:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Бош бошқармаси бошлиғи

А.Жураев

2022 йил 20 Январ даги
2022-4-сонли шартномага 3 илова

Келишилди:

“Ўздаверлойиха” институти
Бош директори

Р.А.Тўраев

2022 йил 20 Январ

Тасдиқлайман:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирининг
ўринбосари

М.И.Рузметов

2022 йил 20 Январ

Жиззах вилояти Зомин туманидаги табиий яйлов ва пичанзорларидаги
ўсимликлар дунёсини ўрганиш мақсадида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш
ишларининг тайёргарлик ва дала кузатув ишларини бажариш

ИШЛАР ДАСТУРИ

1. Иш бажариш учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ 5006-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сонли қарорлари.

2. Ишни бажарувчи ташкилот: “Ўздаверлойиха” институту

3. Ушбу ишнинг мақсади: Жиззах вилояти Зомин туманидаги табиий яйлов ва пичанзорларидаги ўсимликлар дунёсини ўрганиш мақсадида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш ишларининг тайёргарлик ва дала кузатув ишларини олиб бориш.

4. Тадқиқот предмети ва услублари: Жиззах вилояти Зомин туманининг яйлов ва пичанзорлари тадқиқот предмети ҳисобланади.

“Яйловлар ва пичанзорлар табиий ўсимлик қоплами ҳолатининг тавсифи” тематик қатламини ўз ичига олган ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри бўйича геоахборот тизимини шакллантириш учун маълумотлар базасини яратиш ҳамда ушбу маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этиш вазифасини белгилаб беради.

5. Амалий аҳамияти: Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастрига оид ахборотларни шакллантиришда “Яйловлар ва пичанзорлар табиий ўсимлик қоплами ҳолатининг тавсифи” тематик қатламини яратиш учун ҳамда яйловлардан самарали ва оқилона фойдаланиш учун ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни яйловлардан фойдаланувчилар ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг фойдаланишида қўлланилади.

6. Асосий иш турлари ва уларни бажарилиш тартиби:

т/р	Иш турлари	Бажарилиш муддати, бошланиши ва тугалланиши (йил, ой)
1. Тайёргарлик ишлари		
1	Жиззах вилояти Зомин туманининг массивларида аввалги йилларда ўтказилган лойиҳа-қидирув (йўқламадан ўтказиш ва олиб борилган геоботаник изланишлар ва бошқа) ишларни таҳлил қилиш.	2022 йил январ-февраль
2	Тўпланган маълумотлар асосида массивлардаги мавжуд яйловларни типларини ва чегараларини хариталарга белгиланган тартибда тушириш ҳамда Кадастр агентлигининг Жиззах вилояти бошқармаси Зомин тумани бўлими томонидан	2022 йил январ-февраль

	хариталарни тасдиқлаш. Далада ишлаш учун карталарни таҳлил қилиш ва умумлаштириш.	
	2. Дала кузатув ишлари.	
3	Жиззах вилояти Зомин туманларидаги тарқалган яйлов типларига аниқлик киритилиб, геоботаник изланишлар учун рекогностировка ишлари олиб бориш. Геоботаник изланишлар учун табиий яйловлар билан банд бўлган ерларни, шу ҳудудлардаги суғориш иншоотларидан (қудуқ ва бошқалар) фойдаланиш ва чорва молларини сақлайдиган иншоотлар ҳолатини ўрганиш. Яйловларда тарқалган тупроқларга аниқлик киритиш.	2022 йил март-апрель
4	Яйлов ҳосилдорлигини аниқлаш учун ўсимлик намуналаридан олиш ва гербарийлар тўплаш. Барча маълумотлар жамлангандан сўнг аввалги йиллардаги геоботаник изланиш материаллари билан таққослаш ҳамда хариталарини коррективировка қилиш.	2022 йил март-апрель
5	Жиззах вилояти Зомин туманларининг яйлов билан қопланган массивларнинг 1:25 000 миқёсдаги электрон рақамли хариталарини яратиш.	2022 йил март-апрель
	3. Ишнинг якуни бўйича тақдим этиладиган ҳужжатлар	
6	Иш натижаларини тақдим қилиш шакли: Биринчи босқичда бажарилган ишлар якунланиб, 2-босқич ишлари билан жамлангандан сўнг, 2 нусхада тайёрланиб, бир нусха ҳужжатлар тўплами Жиззах вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасига, ишнинг асл нусхаси “Ўздаверлойиҳа” институти архивига топширилади. Туман бўйича жамланган ҳисобот ва харитадан бир нусха фойдаланиш учун туман маҳаллий ҳокимият органларига, “Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри” юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасига маълумотларни тақдим этиш учун электрон шаклда DVD ёки CD дискда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига топширилади.	2021 йил 31 декабрь

7. Кутилаётган натижалар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги № 299-сон ҳамда 2018 йил 07 ноябрдаги № 914 сонли қарорлари ижросини таъминлаш.

8. Жорий этиш. “Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри”ни юритишда ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, чорвачилик хўжаликлари фаолияти ташкил қилишда “Геоботаник тадқиқотлар”га оид маълумотлардан фойдаланилади.


Киритилди:

“Ўздаверлойиҳа” институти
Бош муҳандиси

Келишилди:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Бош бошқармаси бошлиғи

 О. Давронов

 А. Жураев

2022 йил 20 январ даги
2022-4-сонли шартномага 4 илова

2022 йил 20 январ даги 2022-4-сонли шартномага мувофик

Календарь режаси

т/р	Ишларнинг (босқичларнинг) номи	Ишларнинг бажариш муддатлари		Ишларнинг (босқичларнинг) нархи, сўм	
		бошланиши	яқунланиши	Жами	шу жумладан жорий йилда ёки чорақларда
1	Жиззах вилояти Зомин туманидаги табиий яйлов ва пичанзорларидаги ўсимликлар дунёсини ўрганиш мақсадида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш ишларининг тайёргарлик ва дала кузатув ишларини бажариш	2022 йил <u>20 январ</u>	2022 йил 31 март	257 021 555	257 021 555

БАЖАРУВЧИ:

Р.А.Тўраев



БУЮРТМАЧИ:



М.И. Рузметов

М.ў.

2022 йил 20 декабрь даги 2022-4 -сонли шартномага илова

Лойиха -қидирув ишлари бўйича СМЕТА

Босқичлар номи лойиха- қидирув ишлари турларининг номи: Жиззах вилояти Зомин туманидаги табиий айлов ва пичанзорларидаги ўсимликлар дунёсини ўрганиш мақсадида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш ишларининг тайёргарлик ва дала кузатув ишларини бажариш

Лойиха - қидирув ишларини бажарувчи ташкилотнинг номи: “Ўздаверлоийха” институти
 Буюртмачи ташкилотнинг номи: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Т/р	Ишлар босқичлари	Бир тузатиш ишлари бўйича "Намунавий вақт нормалари" тўпламининг бел ва жадаллари	266 649	Байлов ва пичанзорлар ер майдони, га	Бажарувчи мутасаддисининг лавозими	5	Кўпайтириш кўрсаткичи, тахминан	6	7	8	Кoeffициентлар			14	Ишни бажариш учун талаб қилинадиган вақт		17	
											Номи	Минцўрми	Номи		Минцўрми	одам/кунга		одам/ой
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17		
Умумий ер майдон га.				Айлов ва пичанзорлар ер майдони, га	120 255	Ўргачча ер майдони, га	761	Масштаб	1 : 25 000	Ерлан фойдаланувчилар сонин	158	Ерлан фойдаланувчилар сонин	323,900	158	Мўраксаблик даражаси - I			
1	Тайёргарлик ишлари	6.1-жадал, 1-катгор.	мухтаassis 1, 2 тоифалар, техник 1, 2 тоифалар	1	65%	хўж	158						2,05	5 351,364				
					35%								0,82					4 116,434
					50%													
2	Дала ишлари	6.2-жадал, 3-§.	1,2-тоифа мухтаassis, 1,2-тоифа техник	1	50%	1000 га	60,128					2,15	7 582,117					
					200%							0,82					86,924	
3	Бажарилган ишларини иккинчи шахс томонидан текшириш	6-бет, 23-банд.	Бош мухтаassis	100%	7%								4,31	11 061,192				
					200%							30 086,485						
Жами ишлар қиймати																		
																	121 434,181	
																	19 196,490	
																	257 021,555	

Бош директор: Р.А. Тўраев
 Бош мухтаassis: О.ў. Давронов
 Бўлим бошлиғи: А.А. Нуркулов

